

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

37-38-сон
(1161-1162)
2024 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

320. «Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ–959-сон Қонуни
321. «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ–960-сон Қонуни
322. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгарти-

риш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–963-сон Қонуни

323. «Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–964-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

324. «Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 11 сентябрдаги ПФ–136-сон Фармони
325. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқ ва божхона имтиёзларини беришни назарда тутувчи айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 сентябрдаги ПФ–140-сон Фармони

Учинчи бўлим

326. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ва кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 сентябрдаги 555-сон қарори
327. «O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atamalar komissiyasi faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 20-sentabrdagi 589-son qarori

Бешинчи бўлим

328. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 30 августдаги 20-сон “Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185-2*)
329. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 29 августдаги 169-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ

қўмитасининг 2024 йил 29 августдаги 2024-15-сон “Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам сотиш нархларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3554*)

330. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2024 йил 4 сентябрдаги 13-сон “Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг ноллик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2931-1*)
331. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 20 августдаги 447-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-8*)
332. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 26-avgustdagi 166-son “Yo‘lovchi bojxona deklaratsiyasini to‘ldirish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2606-7*)
333. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2024-yil 17-sentabrdagi 14-2224/B-son “Maishiy xizmat ko‘rsatish xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va yakka tartibda himoyalanihning boshqa vositalarini bepul berishning namunaviy normalariga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 20-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2226-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****320 Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
20 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 июнда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларига интеллектуал фаолият натижаларини жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уларнинг қўшимча қиймат билан реализация қилинишини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулкни ишончли тарзда ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал фаолияти натижасида яратилган мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш ҳамда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурияти юзага келмоқда.

Бундан ташқари интеллектуал мулкнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлар билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун қонунчиликни такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ушбу Қонун билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳуқуқ эгасининг талабига кўра ҳуқуқбузар томонидан товон тўлаш тартиб-таомили жорий этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг сифатини оширишга, шунингдек ҳуқуқбузарликлар сонининг камайишига ҳамда интеллектуал

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

мулкнинг ҳимоя қилинишини кучайтиришга ва рақамли муҳитда ижодий фаолиятга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмлари тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида**»ги 1062–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 2, 108-модда) **13-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Патент эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда саноат мулки объектдан фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлашини талаб қилиши мумкин. Бунда товон зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусиятидан ва патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда саноат мулки объектдан фойдаланаётган шахснинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади. Товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10,

593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

1) **1090-модда матнининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Патент эгаси зарарларнинг қопланиши ўрнига қоидабузардан қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда товон тўлашини талаб қилишга ҳақлидир»;

2) **1107-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисининг эгаси товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда товон тўлашини талаб қилишга ҳақлидир».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги 270–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 1, 5-модда) **33-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Патент эгасининг ҳуқуқларини бузган шахслар етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши шарт. Патент эгаси ўзининг ҳуқуқларини бузган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлашини талаб қилиши мумкин. Бунда товон зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусиятидан ва патент эгасининг ҳуқуқларини бузган шахснинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади. Товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги 267–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3,

214-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 2, 108-модда) **26-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисидан унинг эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар товар белгиси эгасининг талабига кўра етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши шарт. Товар белгисининг эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлашини талаб қилиши мумкин. Бунда товон зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусиятидан ва товар белгиси эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахснинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади. Товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланади»;

тўртинчи қисм бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Ахборотлаштириш тўғрисида**»ги 560–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2021 йил, № 3, 217-модда, 4-сонга илова) **12¹-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўзга шахсларга тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш»;

ўн биринчи ва **ўн иккинчи хатбошилар** тегишинча **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрда қабул қилинган «**Фирма номлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–51-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 493-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда) **12-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисм қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«зарарларнинг ўрнини қоплаш;

зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлаш»;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошида назарда тутилган товон зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусиятидан ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи

одатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади. Товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланади»;

иккинчи қисм учинчи қисм деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 сентябрь,
ЎРҚ–959-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

321 Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
9 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 10 июлда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди, Ўзбекистон Республикасининг қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга маъмурий ислохотлар доирасида бир қатор республика ижро этувчи ҳокимият органларининг трансформация қилиниши ана шу органларнинг расмий номларини аниқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига тегишли ўзгартиришлар киритишни, шунингдек аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг номини ва ваколатларини аниқлаштиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳларини ишлаб чиқиш йўли билан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарувини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли прогнозларига мувофиқ шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган ЎРҚ–676-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 923-модда, № 12, 1010-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

1) **12-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Янги аҳоли пунктларини жойлаштириш ҳамда мавжудларини ривожлантириш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва инвестициявий ривожлантиришнинг узок муддатли прогнозларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳига, ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш тарҳларига ҳамда туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларига, аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

2) **17-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **19-модданинг биринчи қисми:**

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳларини, умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлайди»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш бўйича устувор йўналишларни белгилайди»;

ўн олтинчи хатбошиси ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

4) **20-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳи ишлаб чиқилишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари ва умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилишини таъминлайди»;

қуйидаги мазмундаги **йигирма бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«шаҳарларнинг бош режаларини содалаштирилган шаклда ишлаб чиқишда буюртмачига ва лойиҳа ташкилотларига лойиҳалаштириш учун топшириқлар беради»;

5) **27-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳамда унинг ҳудудий инспекцияларининг ваколатлари

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) ҳамда унинг ҳудудий инспекциялари (бундан буён матнда ҳудудий инспекциялар деб юритилади) томонидан амалга оширилади»;

6) **44-модда биринчи қисмининг:**

1-банди:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳи»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳи»;

2-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари»;

3-бандининг биринчи хатбошисидаги «ривожлантириш» деган сўз «ривожлантиришни режалаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **45-модда:**

учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **49-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳи

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳида қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳа ечимлари белгиланади: аҳолини жойлаштириш тизимларини, табиатдан фойдаланишни ва ишлаб чиқариш кучларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларига мувофиқ ривожлантиришнинг асосий қоидалари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида экологик ва-

зиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, маданий мерос объектлари ҳудудларини сақлаш, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари;

аҳолини жойлаштириш тизимларини ривожлантириш учун қулай ҳудудлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

қишлоқ хўжалигига ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ҳудудлар;

экстремал табиий-иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудлар;

табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар таъсирига дучор бўлган ҳудудлар;

фойдали қазилмалар жойлашган ҳудудлар;

ўзига нисбатан шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш режими ва шаҳарсозлик жиҳатидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун мазкур ҳудудлардан фойдаланишга доир чекловлар белгиланган ҳудудлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришга доир бошқа лойиҳа ечимлари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳидаги лойиҳа ечимлари Ўзбекистон Республикаси тараққиёт стратегияси, шунингдек халқаро ва минтақавий интеграция жараёнлари, қўшни давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича ҳудудий дастурлари ҳамда жаҳон тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда узоқ муддатли истиқболга мўлжаллаб ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўналишлар бўйича умумдавлат аҳамиятига молик кўп мақсадли стратегик ҳужжатдир:

аҳолини ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тизими давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш;

ҳудудларнинг жорий ҳолатини, салоҳиятини аниқлаш, ўзаро боғлиқлик мақсадларини ва ўзига хос хусусиятларини белгилаш;

архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ҳудудлараро ва тармоқлараро давлат манфаатларини мувофиқлаштириш;

лойиҳалаштириш топширигини ишлаб чиқишда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини асос сифатида белгилаш»;

9) **51-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари»;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлан-

тиришни режалаштириш тархларида қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳа ечимлари белгиланади»;

олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тархларидаги лойиҳа ечимлари Ўзбекистон Республикаси тараққиёт стратегияси, шунингдек халқаро ва минтақавий интеграция жараёнлари, қўшни давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича ҳудудий дастурлари ҳамда жаҳон тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда узоқ муддатли истиқболга мўлжаллаб ишлаб чиқилади»;

10) **54-модданинг олтинчи қисмидаги** «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **76-модда:**

биринчи қисмининг:

тўртинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлигининг» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлигининг» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлигининг» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлигининг» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **80-модданинг учинчи қисмидаги** «Қурилиш вазирлиги» деган

сўзлар «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 сентябрь,
ЎРҚ–960-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

322 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
11 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 28 августда
маъқулланган

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига, шунингдек давлат хизматига киришда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигига тааллуқли бир қатор нормалар мустаҳкамланган.

Шу билан бирга амалдаги қонун ҳужжатларини янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига мувофиқлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳамда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари билан, шунингдек қариндошининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ва уни ўташ чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун фуқаролар ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлашга, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда, шу жумладан ишга қабул қилишда тенг имкониятларни таъминлашга, шунингдек оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда, № 10, 794-модда) 4-моддасининг иккинчи қисмидаги «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқе-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

идан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **141-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) **16-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар;

2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар) **272-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан» деган сўзлар «ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** «динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида**»ги 392–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган 669–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 385-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 2, 109-модда) **19-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат божхона хизмати тўғрисида**»ги 472–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 82-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **13-моддасининг биринчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**»ги 541–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган ЎРҚ–78-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 4-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 2, 105-модда) **5-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисмдаги «эркинدير» деган сўз «эркинدير ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмнинг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини, оммавий ахборот воситаларининг мулк ҳуқуқини, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги 721–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 641-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 787-модда) **1-моддасининг биринчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги 69–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **18-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли»;

иккинчи — бешинчи қисмлар тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»**ги 166–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 14-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **8-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–298-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) **7-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–378-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–445-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 509-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **16-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**»ги ЎРҚ–406-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 271-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда) **22-моддасининг учинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 7, 537-модда; 2024 йил, № 3, 244-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-модданинг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида**»ги ЎРҚ–427-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 135-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 9, 904-модда) **19-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, №12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда) **8-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1008-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **7-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3,

185-модда, № 4, 269-модда, № 11, 923-модда, № 12, 1009-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда) **9-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида**»ги ЎРҚ–499-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда) **7-моддасининг биринчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–610-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 201-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 523-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) **4-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги ЎРҚ–637-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 101-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида**»-ги ЎРҚ–647-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 7, 537-модда, № 11, 923, 924-моддалар) **6-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июнда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва**

фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги ЎРҚ–692-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 6, 519-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) **5-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 6 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»**ги ЎРҚ–700-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 660-модда) **8-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–703-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 663-модда; 2024 йил, № 2, 117-модда) **11-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ҳамда ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 июнда қабул қилинган «**Реклама тўғрисида»**ги ЎРҚ–776-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 571-модда; 2024 йил, № 2, 108-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи хатбошисидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда қабул қилинган «**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»**ги ЎРҚ–788-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 789-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қариндошининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий

оқибатлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ва уни ўташ чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **29-модданинг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисми** «ижтимоий келиб чиқиши» деган сўзлардан кейин «қариндошларида судланганликнинг мавжудлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **119-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «яқин» деган сўз чиқариб ташлансин.

30-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

32-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 сентябрь,
ЎРҚ–963-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

323 Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
9 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 июнда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатлари ташқи ва ички таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши муносабати билан кредит ташкилотлари ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга доир чоралар даражасини ошириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки фаолиятини тартибга солувчи, банклар, нобанк кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, электрон ҳукумат фаолиятида ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлаш, шунингдек автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш ва банк сири соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун кредит ташкилотлари ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида ҳамда электрон ҳукумат тизимида ахборот хавфсизлигини кучайтиришга ва киберхавфсизликни таъминлашга, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар) **155¹-моддаси иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «ўта муҳим» деган сўзлар «конфиденциал» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3,

217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **йигирма учинчи, йигирма тўртинчи** ва **йигирма бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«микромолия ташкилотлари, ломбардлар, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилотлари деб юритилади), шунингдек банклар, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржаларининг ҳамда кредит бюроларининг фаолиятида ахборот хавфсизлигига ва киберхавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради;

банкларнинг ва нобанк кредит ташкилотларининг (бундан буён матнда кредит ташкилотлари деб юритилади), тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг, кредит бюроларининг ахборот хавфсизлигига ва киберхавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича фаолияти устидан мониторингни амалга оширади;

кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг ва кредит бюроларининг фаолиятида аниқланган киберхавфсизликка оид ходисалар ҳамда таҳдидлар тўғрисида Марказий банк билан тезкор ахборот алмашиш тартибини белгилайди»;

2) **12-модданинг биринчи қисми:**

ўнинчи хатбошисидаги «микромолия ташкилотларининг, ломбардларнинг, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилотлари деб юритилади)» деган сўзлар «нобанк кредит ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошисидаги «банклар ва нобанк кредит ташкилотлари (бундан буён матнда кредит ташкилотлари деб юритилади)» деган сўзлар «кредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи — йигирма иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг ва кредит бюроларининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини аниқлайди, уларнинг реестрини шакллантириш ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни ишлаб чиқади;

киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат орган томонидан белгиланган тартибга мувофиқ кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг ва кредит бюроларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларини, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини уларнинг киберхавфсизлик талабларига мослиги юзасидан экспертизадан ўтказилади;

кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг ва кредит бюроларининг ахборот-

лаштириш объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик аудитидан ўтказди;

кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг ва кредит бюрларининг фаолиятида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражаси бўйича рейтингни юритади»;

кредит ташкилотларига, тўлов ташкилотларига, тўлов тизимлари операторларига, валюта биржаларига ва кредит бюрларига киберхавфсизликка таҳдидларнинг (шу жумладан банк карталари билан боғлиқ талон-торожликларнинг) олдини олиш ва (ёки) уларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради ҳамда норматив ҳужжатлар қабул қилади»;

ўн саккизинчи хатбошиси йигирма **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

3) **17-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «махфийдир» деган сўз «конфиденциалдир» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **58-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «махфий» деган сўз «конфиденциал» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **60-модда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлигига» деган сўзлар «ахборот хавфсизлигига ва киберхавфсизлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105, 111-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **42-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлигини» деган сўзлар «ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **48-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «махфий» деган сўз «конфиденциал» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **51-модда:**

биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «ахборот хавфсизлигига» деган сўзлар «ахборот хавфсизлигига ва киберхавфсизлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлаш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича юборилган кўрсатмалар ижросини»;

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн бешинчи — йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **54-модда биринчи қисмининг йигирма учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк сири тўғрисидаги қонунчилик, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги, шунингдек банк ахборот тизимларида кибертаҳдид ёки киберхавфсизлик ҳодисаси вужудга келишига олиб келувчи қонунчилик талаблари бузилганлиги».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сири тўғрисида**»ги 530–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 524-модда; 2022 йил, № 4, 337-модда)

7-моддасининг тўртинчи қисмидаги «ташкилий ва техникавий чора-тадбирлар» деган сўзлар «ташкилий ва техникавий, шу жумладан ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–30-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 156-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлигини» деган сўзлар «ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг иккинчи хатбошиси** «ахборотни муҳофаза қилиш» деган сўзлардан кейин «ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **7-модда бешинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «махфий» деган сўз «конфиденциал» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **8-модданинг ўзбекча матнидаги** «махфий» деган сўз «конфиденциал» деган сўз билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Электрон ҳукумат тўғрисида**»ги ЎРҚ–395-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 451-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«электрон ҳукумат ахборот тизимларининг ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаш»;

2) **12-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Электрон ҳукумат ахборот тизимларининг ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаш принципи»;

биринчи хатбошисидаги «ахборот хавфсизлигини» деган сўзлар «ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **15-модда иккинчи қисмининг ўн учинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлигини» деган сўзлар «ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **16-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлигини» деган сўзлар «ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган «**Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–578-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 786-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модда учинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлиги талабларига ва» деган сўзлар «ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлиги» деган сўзлар «ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «ахборот хавфсизлиги ва» деган сўзлар «ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига таъсир кўрсатувчи қоидабузарликларни Марказий банкнинг биринчи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой ичида бартараф этиш;

ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга таъсир кўрсатувчи қоидабузарликларни Марказий банкнинг биринчи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой ичида бартараф этиш»;

5) **21-модда иккинчи қисмининг ўн олтинчи хатбошисидаги** «ахборот хавфсизлиги» деган сўзлар «ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **22-модда учинчи қисмининг ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хавфсизлик сиёсати ҳақидаги, шу жумладан таваккалчиликларни батафсил баҳолашни ўз ичига олган ҳужжат, шунингдек ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни ҳамда тўлов хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун таваккалчиликларни, шу жумладан фирибгарлик ҳамда конфиденциал ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш хавфларини камайтириш бўйича кўриладиган чораларнинг тавсифи»;

7) **23-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси** «тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига» деган сўзлардан кейин «шунингдек ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **24-модда иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хавфсизлик сиёсати ҳақидаги, шу жумладан таваккалчиликларни батафсил баҳолашни ўз ичига олган ҳужжат, шунингдек ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни ҳамда тўлов хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун таваккалчиликларни, шу жумладан фирибгарлик ҳамда конфиденциал ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш хавфларини камайтириш бўйича кўриладиган чораларнинг тавсифи»;

9) **57-модданинг:**

номидаги «Ахборот хавфсизлиги» деган сўзлар «**Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ахборот хавфсизлиги» деган сўзлар «Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик режими бузилган тақдирда, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қоидабузарлик аниқланганидан кейин бу ҳақда ҳамда унинг оқибатларини камайтириш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида Марказий банкка тезкорлик билан хабар бериши шарт. Марказий банк тўлов тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик режими бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ҳамда юритишни амалга оширади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–765-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 4, 340-модда; 2024 йил, № 2, 114-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **28-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларни бажармаганлик»;

тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) **37-модда:**

биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «махфийлигини» деган сўз «конфиденциаллигини» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Махфий» деган сўз «Конфиденциал» деган сўз билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 сентябрь,
ЎРҚ-964-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

324 Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя соҳасида қонунчилик ижросини таъминлаш ҳамда унинг амалга оширилиши устидан назорат қилишга масъул вазирлик ва идораларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан:

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратга масъул бўлган Бош прокурор ўринбосари лавозими киритилсин;

Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида 7 та штат бирлигидан иборат Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида жами 28 та штат бирлигидан иборат Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлинмалари ташкил этилсин.

2. Янги киритилаётган Бош прокурор ўринбосари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция билан биргаликда ҳар ҳафтада камида битта туман (шаҳар)га бориб, камбағал оилаларни реестрга кириштириш ва чиқаришнинг ҳаққонийлигини ўрганиш;

камбағал оилаларга берилаётган маблағлар эгасига манзилли етиб боришини назорат қилиш;

камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган масъулларга нисбатан қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш;

ижтимоий ҳимоя ва камбағалликни қисқартириш соҳасида қабул қилинаётган қонунлар талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларида белгиланган топшириқлар ижросини назорат қилиш.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

3. Агентлик Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.П. Оллоёров белгилансин.

Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари М.П. Оллоёров ва Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 11 сентябрь,
ПФ–136-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**325** Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқ ва божхона имтиёзларини беришни назарда тутувчи айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлиқ ўтишни жадаллаштириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси ҳамда Божхона қўмитаси билан биргаликда 2025 йил 1 январдан бошлаб молия йили давомида қабул қилинган ва бюджет даромадларини камайтиришни, солиқ ва божхона имтиёзларини беришни ҳамда солиқсиз тушумлардан бюджетга ажратмаларни камайтиришни назарда тутувчи нормаларни кейинги молия йилидан бошлаб амалга киритиш тартибини ўрнатиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг 2025 йил 1 январдан бошлаб:

йўловчиларни ягона тарифлар бўйича ташиш хизматларини кўрсатиш айланмаси ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ягона иштирокчиси ҳисобланган юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган товарлар ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни бекор қилиш;

янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан озод қилиш тарзидаги имтиёзни бекор қилган ҳолда, мазкур ер участкалари бўйича солиқ ставкасини 50 фоизга камайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги уч ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 18 сентябрь,
ПФ–140-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 18 сентябрдаги
ПФ–140-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ–6011-сон Фармонига 1-илованинг 23-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 ноябрдаги «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан амалга оширилаётган лойиҳаларни янада жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–195-сон Фармонининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида, шунингдек, давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан инфратузилма лойиҳалари (электр, газ ва иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация, сув хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси, алоқа ва телекоммуникация, агрологистика, санитария жиҳатдан тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш лойиҳалари) учун халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи (бундан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари бундан мустасно) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олиннадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмани, шунингдек,

уларни олиб киришни 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда мазкур бандда назарда тутилган имтиёз лойиҳа иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3832-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси «юридик ва жисмоний шахсларнинг» сўзларидан олдин «2029 йил 1 январга қадар» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–109-сон қарорига 1-илованинг 58-позицияси «Чора-тадбир номи» устундаги биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат объектларини реализация қилиш бўйича айланмани қўшилган қиймат солиғидан озод этиш».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 18 сентябрдаги
ПФ–140-сон Фармониға
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5587-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартдаги «Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–41-сон Фармониға илованинг 24 ва 25-позициялари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги «2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–51-сон Фармониға 3-илованинг 7-позицияси.

Изоҳ: мазкур илованинг 1-банди 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

326 Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ва кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ва кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизимида (кейинги ўринларда — UZKAD тизими) кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларини шакллантириш;

кадастр рақамларини кўчмас мулк объектлари бўйича тоифалаштириш орқали уларни ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш.

2. Белгилансинки:

ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш ҳамда кўчмас мулкларнинг кадастр рақамларини ўзгартириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларига тегишли ўзгартиришлар киритиш натижасида илгари берилган кадастр рақами кўчмас мулкнинг мулк тарихига оид маълумотларда сақлаб қолинади.

3. Кадастр агентлиги:

а) 2024 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликларини тузиш, тугатиш ва уларнинг чегараларидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда:

ушбу қарорнинг талабларидан келиб чиқиб, ҳудудларни кадастр бўйича тўлиқ қайтадан бўлинишини;

кўчмас мулкларнинг янги кадастр рақамларини шакллантириш учун UZKAD тизимига техник тузатишлар киритилишини таъминласин;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

б) 2024 йил 31 декабрга қадар:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кадастр рақамларидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, тегишли ахборот тизимларидаги маълумотларга тузатишлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда «davreestr.uz» веб-сайти орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулк объектларининг ўзгартирилган кадастр рақамларини аниқлаш ва маълумотларни олиш имкониятини яратсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2024 йил 1 декабрга қадар ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш ҳужжатларини тегишли қарорлари билан тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 9 сентябрь,
555-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 9 сентябрдаги 555-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича
бўлиш ва кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларини
шакллантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш (кейинги ўринларда — кадастр бўйича бўлиш) ва кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш, уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг кадастр рақамларини шакллантириш ва бериш тартибини белгилайди.

2. Кадастр бўйича бўлиш кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ва кўчмас мулкка кадастр рақамларини бериш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр бўйича бўлиш ва кадастр рақамлари тизими Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизимида (кейинги ўринларда — UZKAD тизими) ҳар қандай ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтларни бир хилда идентификация қилиши лозим.

3. Ҳудудлар кадастр бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг (кейинги ўринларда — Давлат кадастрлари палатаси) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари томонидан бўлинади.

4. Кадастр бўйича бўлиш материаллари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

5. Ер участкаларига, ер участкаларининг бир қисмига, кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга, бинолар ва иншоотларнинг бир қисмига кадастр рақамлари Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармаларининг тегишли туманлар (шаҳарлар) филиаллари томонидан берилади.

**2-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича
бўлиш таркиби ва тамойиллари**

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар), кадастр зоналари, кадастр массивлари, кадастр мавзелари, ер участкалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш бирликлари ҳисобланади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар

(шаҳарлар) даражасида кадастр бўйича бўлиш чегаралари маъмурий-худудий бирликлар чегараларига тўғри келади.

Тегишли равишда туман (шаҳар) худуди кадастр зоналарига бўлинади.

8. Туманлар худудини бўлишда қишлоқлар, овуллар ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар (шаҳарчалар), шаҳарлар худудини бўлишда шаҳар туманлари (мавжуд бўлса) ёки турли (табiiй, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади каби) белгилари бўйича ажралиб турадиган шаҳарлар қисмлари (саноат зонаси, турар жой массивлари, боғ ва дам олиш зоналари кабилар) кадастр зоналари сифатида қабул қилинади.

9. Кадастр зоналари чегаралари кадастр массивларининг ташқи чегаралари тегишли геодезия координатларига эга бўлган чегара бурилишининг бириктирилган нуқталари бўйлаб ёки табiiй чегаралар (дарёлар, темир йўллар, магистрал каналлар, коллекторлар ва бошқа мунтазам объектлар) бўйлаб ўтиши лозим.

Кадастр зоналари туман ёки шаҳар худудини узилишларсиз ва кесиб ўтишларсиз қоплаши керак.

10. Кадастр зонаси худуди кадастр массивларига бўлинади.

Қишлоқ (овул) кадастр зонаси ҳисобланган ҳолларда қишлоқ аҳоли пунктлари, қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва бошқа мақсаддаги ер массивлари кадастр массивлари сифатида қабул қилинади.

Туманга бўйсунувчи шаҳар (шаҳарча), шаҳар тумани ёки шаҳарнинг бир қисми кадастр зонаси ҳисобланган ҳолларда маҳалла кадастр массивлари сифатида қабул қилинади, бунда кадастр массивлари чегараси кадастр мавзеларининг ташқи чегаралари бўйлаб ўтиши ва аҳоли пунктларининг кўчалари ёки ташқи чегаралари билан мос келиши лозим.

Кадастр массивлари кадастр зонаси худудини узилишларсиз ва кесиб ўтишларсиз қоплаши керак.

11. Кадастр массиви худуди кадастр мавзеларига бўлинади.

Қишлоқ аҳоли пункти ёки маҳалла кадастр массиви ҳисобланган ҳолларда шаклланган режалаштириш, иморатларнинг қизил чизиқлари, мавжуд мунтазам объектлар (кўчалар, йўллар, дарёлар, сув оқимлари, кўтарма кўприклар ва бошқалар), бошқа табiiй чегаралар ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил белгилар (табiiй, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади ва бошқалар) бўйича ажралиб турадиган ер участкаларининг мажмуи сифатида қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва бошқа мақсаддаги ер массиви кадастр массиви ҳисобланган ҳолларда боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкати, қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки бошқа корхона ва йирик объектлар кадастр мавзеси сифатида қабул қилинади.

Кадастр мавзелари кадастр массиви худудини узилишларсиз ва кесиб ўтишларсиз қоплаши керак.

12. Ер участкалари кадастр бўйича бўлишнинг ва ажратиш тартибида ажратилган ерни ҳисобга олишнинг бирламчи бирлиги ҳисобланади.

Муайян жисмоний ва юридик шахсларга бириктирилмаган умумий фойдаланиладиган кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлаштирилган зоналар, ёдгор-

лик комплекслари, қабристонлар, шаҳар чиқиндихоналари, шаҳар қурилиши учун ажратиладиган захира ерлар ва бошқа ерларга бўлинадиган кадастр бўйича ҳисобга олиш участкалари ерни кадастр бўйича бўлиш ва ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланади.

3-боб. Ер участкаси, бино, иншоотлар кадастр рақамининг таркиби ва уларни шакллантириш тартиби

13. Кадастр рақами ер участкаси, бино, иншоотга кўп йиллик дов-дарахтга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақамдир, у қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилди ва у рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона объекти сифатида мавжуд бўлгунига қадар сақланиб қолади.

14. Қўйидагилар ер участкаси, бино ва иншоот кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади:

минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) рақами;

минтақа таркибидаги туман ёки вилоятга бўйсунувчи шаҳарнинг рақами;

кадастр зонаси рақами;

кадастр массиви рақами;

кадастр мавзеси рақами;

ер участкаси рақами;

кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаси рақами;

бино ёки иншоотнинг рақами;

бино ёки иншоот бир қисмининг рақами.

15. Кўчмас мулк объектларини Ўзбекистон Республикасида идентификация қилиш тизими қўйидаги тамойиллар асосида шакллантирилади:

а) ер участкалари қўйидаги кадастр рақами тузилмасига эга бўлади:

AA : VV : SS : DD : EE : FFFFF/ZZZZ

бунда:

AA — минтақанинг рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

VV — минтақа таркибидаги маъмурий-ҳудудий бирликнинг (туман ва шаҳар) рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

SS — кадастр зонаси рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

DD — кадастр зонаси доирасида кадастр массиви рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

EE — кадастр массиви доирасида кадастр мавзеси рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

FFFFFF — кадастр мавзеси доирасида ер участкаси рақамини (кодини) билдирувчи беш разрядли ўнли сон;

Бунда ер участкаси умумий фойдаланишда бўлган тақдирда:

ZZZZ — кадастр мавзеси доирасида ер участкаси рақамига (кодига) «/» белгиси ва ер участкаси доирасидаги тўрт разрядли ўнли сон қўлланилади;

б) қўйидагилар бино ёки иншоот кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади ва кадастр рақами тузилмасига эга бўлади:

AA : VV : SS : DD : EE : GGGGG/HHH

бунда:

AA — минтақанинг рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

VV — минтақа таркибидаги маъмурий-худудий бирлик (туман ёки шаҳар) нинг рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

SS — кадастр зонаси рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

DD — кадастр зонаси доирасида кадастр массиви рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

EE — кадастр массиви доирасида кадастр мавзеси рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

GGGGG — кадастр мавзеси доирасида бино, иншоот рақамини (кодини) билдирувчи беш разрядли ўнли сон;

HHH — бино ёки иншоотлар бир қисми рақамини (кодини) билдирувчи уч разрядли ўнли сон;

в) қўйидагилар кўп квартирالي турар жойдаги квартира кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади ва кадастр рақами тузилмасига эга бўлади:

AA : VV : SS : DD : EE : GGGGG : HHH

бунда:

AA — минтақанинг рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

VV — минтақа таркибидаги маъмурий-худудий бирлик (туман ёки шаҳар) нинг рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

SS — кадастр зонаси рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

DD — кадастр зонаси доирасида кадастр массиви рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

EE — кадастр массиви доирасида кадастр мавзеси рақамини (кодини) билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

GGGGG — кадастр мавзеси доирасида кўп квартирالي турар жой рақамини (кодини) билдирувчи беш разрядли ўнли сон;

HHH — кўп квартирالي турар жойдаги квартиранинг рақамини (кодини) билдирувчи уч разрядли ўнли сон.

16. Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вақтида уларнинг чегаралари шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараларига тўғри келади. Кейинчалик

маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш схемасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

17. Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи индексли кадастр харитасига (режасига) киритилганидан кейин бошланади.

18. Ер участкаси бир қисмининг кадастр рақами ер участкаси чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади.

19. Бино ёки иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами асосий бино ёки иншоот чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади.

20. Янгидан суратга олиш (тузатишлар киритиш), рўйхатдан ўтказиш, янги кадастр хариталарини (режаларини) тайёрлаш вақтида ер участкаси, бино ёки иншоотнинг (уларнинг бир қисмидан ташқари) кадастр рақамини ташкил этувчи мажбурий элементлари ўзгартирилмайди.

21. Ер участкасига, бинога, иншоотга, кўп йиллик дов-дарахтларга ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтган тақдирда ва (ёки) ҳуқуқ турининг ўзгаришини давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкаси, кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаси, бино, иншоотнинг кадастр рақами ўзгартирилмайди.

22. Ер участкалари ҳамда кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкалари билан, мавжуд чегараларнинг ўзгариши ва янги участканинг шакллантирилиши билан боғлиқ равишда мазкур участкани бўлиш ёки унинг бошқаси билан қўшилиб кетишини келтириб чиқарувчи операцияларни амалга ошириш вақтида ер участкаларига ҳамда кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаларига белгиланган тартибда янги кадастр рақамлари берилади.

Илгари берилган кадастр рақамлари йўқотилган ҳисобланади ва улардан қайта фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бунда бино ёки иншоотларнинг кадастр рақамлари ўзгартирилмайди. Агар ер участкаси чегаралари чегараларнинг ўзгариши ва янги участканинг шакллантирилиши билан боғлиқ равишда мазкур участкани бўлиш ёки унинг бошқаси билан қўшилиб кетишини келтириб чиқарувчи операцияларни амалга оширишда бино ёки иншоотнинг бир қисми янги ташкил этилган ер участкаларида жойлашса, ушбу Низом 15-бандининг «б» кичик банди талаблари асосида бино ёки иншоотнинг қисмини англатувчи кадастр рақами қўлланилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

23. Ушбу Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 9 сентябрдаги 555-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 31 декабрдаги 492-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига 7-илованинг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори)» 2014 йил 3 июндаги 138-сон қарорига илованинг 7-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарори)» 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига илованинг 7-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони)» 2021 йил 22 февралдаги 87-сон қарорига илованинг 1052-банди.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**327 O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Atamalar komissiyasi faoliyatini yanada takomillashtirish
chora-tadbirlari to‘g‘risida***

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019-yil 21-oktabrdagi PF–5850-son hamda “O‘zbekiston — 2030” strategiyasini “Yoshlar va biznesni qo‘llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida” 2024-yil 21-fevraldagi PF–37-son farmonlarida belgilangan vazifalar ijrosini ta‘minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atamalar komissiyasining (keyingi o‘rinlarda — Atamalar komissiyasi) tarkibi 1-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

2. Quyidagilar Atamalar komissiyasining asosiy vazifalari etib belgilansin:

ilmiy asoslangan yangi so‘z va atamalarni rasmiy muomalaga kiritish;

o‘zbek tiliga kiritilayotgan yangi atamalarni qonunchilik hujjatlariga tatbiq etish va amalda qo‘llashning huquqiy muammolarini o‘rganish, ushbu sohadagi munosabatlarni huquqiy tartibga solishning rivojlanish yo‘nalishlarini aniqlash;

normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarida atamalarning qonunchilik hujjatlarida qabul qilingan ma‘nosiga muvofiq yagona shaklda va to‘g‘ri qo‘llanilishini ta‘minlash choralari ko‘rish;

yangi so‘z va atamalarni qo‘llash sohasida boshqa tillarning qoidalari tufayli kelib chiqishi mumkin bo‘lgan nomuvofiqliklarni bartaraf etish choralari ko‘rish;

respublika ijro etuvchi hokimiyat organlariga atamashunoslik masalalari bo‘yicha ko‘rsatmalar berish;

respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xo‘jalik birlashmalari markaziy apparatlarida jamoatchilik asosida faoliyat yurituvchi Atamalar bo‘yicha ishchi guruhlar faoliyatini muvofiqlashtirish.

3. Belgilab qo‘yilsinki, Fanlar akademiyasining O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti Atamalar komissiyasining ishchi organi (keyingi o‘rinlarda — Ishchi organ) hisoblanadi.

Quyidagilar Ishchi organning asosiy vazifalari etib belgilansin:

taklif qilingan yangi so‘z va atamalarni ilmiy jihatdan o‘rganish;

yangi so‘z va atamalar bo‘yicha takliflarni ekspertizadan o‘tkazish;

ekspertizadan o‘tkazilgan yangi so‘z va atamalarni jamoatchilik muhokamasi uchun e‘lon qilish;

jamoatchilik muhokamasida bildirilgan taklif, fikr va tavsiyalarni Fanlar akademiyasining O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti Ilmiy kengashining kengaytirilgan yig‘ilishida tegishli soha mutaxassislari ishtirokida ko‘rib chiqish

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 21-sentabrda e‘lon qilingan.

** I-ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

hamda yangi soʻz va atamalar boʻyicha takliflarni Atamalar komissiyasiga kiritib borish;

Atamalar komissiyasi tomonidan tasdiqlangan yangi soʻz va atamalarni jamoatchilikka eʼlon qilish boʻyicha tadbirlarni amalga oshirish.

4. Quyidagilarni nazarda tutuvchi Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atamalar komissiyasi toʻgʻrisidagi nizom 2-ilovaga muvofiq tasdiqlansin:

Atamalar komissiyasining asosiy vazifalari, huquqlari va majburiyatlari;

Atamalar komissiyasi raisi va uning oʻrinbosarlari, aʼzolari hamda kotibining vazifalari;

Ishchi organ va Atamalar boʻyicha ishchi guruhlar faoliyatini tashkil etish tartibi.

5. Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xoʻjalik birlashmalari markaziy apparatlarida jamoatchilik asosida faoliyat yurituvchi Atamalar boʻyicha ishchi guruhlar (keyingi oʻrinlarda — Ishchi guruhlar) tashkil etilganligi maʼlumot uchun qabul qilinsin.

6. Quyidagilar Ishchi guruhlarining asosiy vazifalari etib belgilansin:

jamiyat taraqqiyoti, ilm-fan yutuqlari natijasida tegishli sohalarda yuzaga kelayotgan yangi soʻz va atamalarni tadqiq etish, ularning oʻzbekona muqobillarini topish hamda ularni bir xilda qoʻllash boʻyicha takliflar ishlab chiqish va Atamalar komissiyasiga kiritish;

tegishli respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xoʻjalik birlashmalari tomonidan ishlab chiqilayotgan normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarida soʻz va atamalarning toʻgʻri qoʻllanilishini taʼminlash;

tegishli respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarida davlat tilida ish yuritish bilan bogʻliq yuzaga keladigan muammolarni oʻrganish hamda hal etish choralarini koʻrish;

soha mutaxassislari, olimlar, tadqiqotchilarni jalb qilgan holda, sohaviy izohli va imlo lugʻatlarini tayyorlash hamda nashr etib borish.

7. Belgilab qoʻyilsinki:

Ishchi guruhlar Atamalar komissiyasining respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xoʻjalik birlashmalaridagi quyi tuzilmasi hisoblanadi;

Ishchi guruhlar tegishli sohalarda atamashunoslikning rivojlanishi masalalarini tahlil qilgan holda, har olti oyda va yil yakuni boʻyicha amalga oshirilgan ishlar toʻgʻrisida Atamalar komissiyasiga hisobot beradi.

8. Respublika ijro etuvchi hokimiyat organi yoki xoʻjalik birlashmasi hisoblanmaydigan respublika darajasidagi davlat organlari va tashkilotlariga oʻz huzurida Atamalar boʻyicha ishchi guruhlar faoliyatini tashkil etish tavsiya etilsin.

9. Oʻzbekiston Respublikasi Hukumatining 3-ilovaga muvofiq ayrim qarorlari oʻz kuchini yoʻqotgan deb hisoblansin.

10. Oʻzbekiston Milliy axborot agentligi, Oʻzbekiston Milliy teleradiokompaniyasi, Oʻzbekiston Milliy media birlashmasiga Atamalar komissiyasi faoliyati bilan bogʻliq jarayonlarni ommaviy axborot vositalarida keng yoritib borish tavsiya etilsin.

11. Ushbu qarorning bajarilishini nazorat qilish O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari Z.B. Maxkamova zimmasiga yuklansin.

O'zbekiston Respublikasining
Bosh vaziri

A. ARIPOV

Toshkent sh.,
2024-yil 18-sentabr,
589-son

Vazirlar Mahkamasining
2024-yil 18-sentabrdagi 589-son qaroriga
2-ILOVA

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Atamalar komissiyasi to'g'risida
NIZOM

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atamalar komissiyasining (keyingi o'rinlarda — Atamalar komissiyasi) faoliyatini tashkil etish tartibini belgilaydi.

2. Atamalar komissiyasi o'z faoliyatini jamoatchilik asosida amalga oshiradi.

3. Fanlar akademiyasining O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti Atamalar komissiyasining ishchi organi (keyingi o'rinlarda — Ishchi organ) hisoblanadi.

4. Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xo'jalik birlashmalari huzurida jamoatchilik asosida faoliyat yurituvchi Atamalar bo'yicha ishchi guruhlar (keyingi o'rinlarda — Ishchi guruhlar) Atamalar komissiyasining quyi tuzilmasi hisoblanadi.

5. Ishchi organ hamda Ishchi guruhlar faoliyati O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Davlat tilini rivojlantirish departamenti (keyingi o'rinlarda — Departament) tomonidan muvofiqlashtiriladi.

6. Atamalar komissiyasi o'z faoliyatini O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlariga, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining qarorlariga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari va farmoyishlariga, Vazirlar Mahkamasining qarorlari va farmoyishlariga, ushbu Nizomga hamda boshqa qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiradi.

2-bob. Atamalar komissiyasining asosiy vazifalari

7. Quyidagilar Atamalar komissiyasining asosiy vazifalari hisoblanadi:

ilmiy asoslangan yangi so'z va atamalarni rasmiy muomalaga kiritish;

o'zbek tiliga kiritilayotgan yangi atamalarni qonunchilik hujjatlariga tatbiq etish va amalda qo'llashning huquqiy muammolarini o'rganish, ushbu sohadagi munosabatlarni huquqiy tartibga solishning rivojlanish yo'nalishlarini aniqlash;

normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarida atamalarning qonunchilik hujjatlarida qabul qilingan ma'nosiga muvofiq yagona shaklda va to'g'ri qo'llanilishini ta'minlash choralarini ko'rish;

yangi so'z va atamalarni qo'llash sohasida boshqa tillarning qoidalari tufayli kelib chiqishi mumkin bo'lgan nomuvofiqliklarni bartaraf etish choralarini ko'rish;

respublika ijro etuvchi hokimiyat organlariga atamashunoslik masalalari bo'yicha ko'rsatmalar berish;

respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xo'jalik birlashmalari markaziy apparatlarida jamoatchilik asosida faoliyat yurituvchi Atamalar bo'yicha ishchi guruhlar faoliyatini muvofiqlashtirish.

3-bob. Atamalar komissiyasining huquqlari va majburiyatlari

8. Atamalar komissiyasi o'ziga yuklangan vazifa va funksiyalarni amalga oshirish uchun quyidagi huquqlarga ega:

tegishli sohada qo'llaniladigan atamalar bo'yicha yuzaga kelishi mumkin bo'lgan masalalarni hal etish uchun Atamalar komissiyasi majlislariga mas'ul vazirliklar va idoralardan vakillar, olimlar va mutaxassislarni taklif etish;

normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarining matnlari va ularga ilova qilinadigan materiallarni zarur hollarda vazirlik va idoralardan hamda Vazirlar Mahkamasining tarkibiy bo'linmalaridan olish;

ilmiy asoslangan yangi so'z va atamalarni rasmiy iste'molga kiritish masalalari bo'yicha vazirliklar va idoralarga so'rovlar yuborish;

Ishchi organ hamda Ishchi guruhlar rahbarlarining hisobotlarini eshitish;

yangi so'z va atamalarni rasmiy muomalaga kiritish bo'yicha qarorlar qabul qilish.

Atamalar komissiyasi qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo'lishi mumkin.

9. Atamalar komissiyasining majburiyatlari:

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, "Davlat tili haqida"gi, "Normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining qonunlari, ushbu Nizom va boshqa qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etish;

normativ-huquqiy hujjatlarni qabul qilish vakolatiga ega organlar va mansabdor shaxslar tomonidan o'zbek tiliga kiritilayotgan yangi atamalarni qonunchilik hujjatlariga tatbiq etish, normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarida atamalarni to'g'ri qo'llash bo'yicha murojaat qilinganda, belgilangan tartibda ko'rib chiqish va asoslantirilgan xulosa berish;

atamalarning qabul qilingan ma'nosiga muvofiq yagona shaklda va to'g'ri qo'llanilishini ta'minlash.

Atamalar komissiyasi zimmasiga qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa majburiyatlar ham yuklanishi mumkin.

4-bob. Atamalar komissiyasi faoliyatini tashkil etish

10. Atamalar komissiyasining tarkibi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadi.

11. Atamalar komissiyasi raisi:

Atamalar komissiyasi faoliyatiga umumiy rahbarlikni amalga oshiradi;

Atamalar komissiyasi raisi o‘rinbosarlarining aniq vazifalarini hamda ular mas‘ul bo‘lgan yo‘nalishlarni belgilab beradi;

Atamalar komissiyasi a‘zolarining vazifalarini belgilaydi va ularning faoliyatini muvofiqlashtiradi;

Atamalar komissiyasi majlislari chaqirilishini hamda ushbu majlislarning kun tartibini belgilaydi;

Atamalar komissiyasining majlislarini boshqaradi, uning majlislar bayonini, ish rejalarini va boshqa hujjatlarini tasdiqlaydi;

Atamalar komissiyasi qarorlarining bajarilishini nazorat qiladi;

Atamalar komissiyasi huzuridagi Ekspertlar guruhi (keyingi o‘rinlarda — Ekspertlar guruhi) tarkibini tasdiqlaydi;

Atamalar komissiyasining samarali ishlashini ta‘minlash bo‘yicha boshqa ishlarni amalga oshiradi.

12. Komissiya raisining o‘rinbosarlari:

Atamalar komissiyasi faoliyatining asosiy yo‘nalishlari yuzasidan takliflar kiritadi;

Atamalar komissiyasi yig‘ilishlarining kun tartibini shakllantirish bo‘yicha takliflar beradi;

Ishchi organ hamda Ishchi guruhlar faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga ko‘maklashadi;

yangi so‘z va atamalarni rasmiy muomalaga kiritish yuzasidan takliflar hamda xulosalar tayyorlashda ishtirok etadi;

Atamalar komissiyasi tomonidan qabul qilingan qarorlarning bajarilishini ta‘minlash choralari ko‘radi;

Atamalar komissiyasi raisi bo‘lmaganda yoki uning topshirig‘i bo‘yicha Atamalar komissiyasi yig‘ilishlariga raislik qiladi;

Atamalar komissiyasining samarali faoliyat ko‘rsatishini ta‘minlash maqsadida boshqa vazifalarni bajaradi.

13. Atamalar komissiyasining a‘zolari:

Atamalar komissiyasi majlislarida ko‘rib chiqiladigan masalalarni muhokama qilish, tegishli qarorlar qabul qilish va ijrosini ta‘minlashda ishtirok etadi;

Atamalar komissiyasiga ilmiy asoslangan yangi so‘z va atamalarni rasmiy muomalaga kiritish bo‘yicha takliflar kiritadi;

Atamalar komissiyasi muhokama qiladigan masalalar bo‘yicha xulosalar taqdim etadi;

Atamalar komissiyasi raisi va uning o‘rinbosarlari topshiriqlariga asosan boshqa vazifalarni amalga oshiradi.

14. Atamalar komissiyasining kotibi:

Atamalar komissiyasi majlisiga barcha zarur hujjatlarning o‘z vaqtida sifatli tayyorlanishini ta‘minlaydi;

majlislarning o‘tkaziladigan vaqti va joyini, shuningdek, taklif etiladiganlar tarkibini Atamalar komissiyasining raisi bilan kelishadi;

Atamalar komissiyasining a'zolarini va taklif etilgan shaxslarni majlisning o'tkaziladigan sanasi, vaqti, joyi to'g'risida xabardor qiladi;

Atamalar komissiyasi qarorlarining bajarilishi monitoringini yuritadi va uning natijalarini Atamalar komissiyasiga ko'rib chiqish uchun taqdim etadi;

Atamalar komissiyasining bayonlarini rasmiylashtiradi va tasdiqlangan bayonlarni Atamalar komissiyasining a'zolariga hamda boshqa manfaatdor tashkilotlarga jo'natadi;

Ishchi guruhlar tomonidan kiritilgan yangi so'z va atamalar bo'yicha takliflarni Ishchi organga yuboradi;

Ekspertlar guruhi faoliyatini tashkil etadi hamda Ishchi organ tomonidan kiritilgan takliflarni Ekspertlar guruhi muhokamasidan o'tkazadi;

Ishchi organ tomonidan kiritilgan takliflarni Oliy Majlis palatalarining tegishli qo'mitalariga rozilik olish uchun yuboradi;

Atamalar komissiyasi tomonidan tasdiqlangan yangi so'z va atamalarning rasmiy doirada keng qo'llanilishini targ'ib qilish bo'yicha choralar ko'radi;

Atamalar komissiyasining majlislarini o'tkazish bo'yicha tashkiliy ishlarni amalga oshiradi;

Atamalar komissiyasining raisiga yangi so'z va atamalarni rasmiy muomalaga kiritish bo'yicha samarali mehnat qilgan mutaxassislarni rag'batlantirish bo'yicha taklif kiritadi.

15. Ishchi organ:

taklif qilingan yangi so'z va atamalarni ilmiy o'rganadi;

yangi so'z va atamalar bo'yicha takliflarni ekspertizadan o'tkazadi;

ekspertizadan o'tkazilgan yangi so'z va atamalarni jamoatchilik muhokamasi uchun e'lon qiladi;

jamoatchilik muhokamasida bildirilgan taklif, fikr va tavsiyalar qayd etib boriladigan hamda tasdiqlangan yangi so'z va atamalarni o'zida aks ettiradigan elektron reyestrni yuritadi;

jamoatchilik muhokamasida bildirilgan taklif, fikr va tavsiyalarni O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti Ilmiy kengashining (keyingi o'rinlarda — Ilmiy kengash) kengaytirilgan yig'ilishida tegishli soha mutaxassislari ishtirokida ko'rib chiqadi hamda yangi so'z va atamalar bo'yicha takliflarni Atamalar komissiyasiga kiritib boradi;

Atamalar komissiyasi tomonidan tasdiqlangan yangi so'z va atamalarni jamoatchilikka e'lon qilish bo'yicha tadbirlarni amalga oshiradi;

Atamalar komissiyasi tomonidan tasdiqlangan yangi so'z va atamalarni tegishli lug'atlarga kiritish choralarni ko'radi;

yangi so'z va atamalarni ilmiy o'rganish va ekspertizadan o'tkazish maqsadida sohalar bo'yicha kichik ekspertlar guruhlarini tashkil etadi.

Atamalar komissiyasining ishchi organi qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa vazifalarni ham amalga oshiradi.

16. Ishchi guruhlar:

jamiyat taraqqiyoti, ilm-fan yutuqlari natijasida tegishli sohalarda yuzaga kelayotgan yangi so'z va atamalarni tadqiq etish, ularning o'zbekona muqobillarini

topish hamda ularni bir xilda qo'llash bo'yicha takliflar ishlab chiqadi va Atamalar komissiyasiga kiritadi;

tegishli respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xo'jalik birlashmalari tomonidan ishlab chiqilayotgan normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarida so'z va atamalar to'g'ri qo'llanilishini ta'minlaydi;

tegishli respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarida davlat tilida ish yuritish bilan bog'liq yuzaga keladigan muammolarni o'rganadi hamda ularni hal etish choralari ko'radi;

soha mutaxassislari, olimlar, tadqiqotchilarni jalb qilgan holda sohaviy izohli va imlo lug'atlarini tayyorlaydi hamda nashr etib boradi.

17. Atamalar komissiyasi tomonidan tashkil etiladigan Ekspertlar guruhi jamoatchilik asosida faoliyat yuritadi.

Ekspertlar guruhi ilmiy asoslangan yangi so'z va atamalarni rasmiy muomalaga kiritish bo'yicha Ishchi organ tomonidan taqdim etilgan yangi so'z va atamalarni ko'rib chiqadi hamda xulosa va tavsiyalar beradi.

18. Ilmiy asoslangan yangi so'z va atamalar ushbu Nizomga 1-ilovada* keltirilgan sxemaga muvofiq rasmiy muomalaga kiritiladi.

19. Ishchi guruhlar ilmiy asoslangan yangi so'z va atamalar yuzasidan takliflarni mazkur Nizomga 2-ilovadagi* jadval asosida Atamalar komissiyasiga kiritadi.

20. Departament Ishchi guruhlar tomonidan kiritilgan yangi so'z va atamalar bo'yicha takliflarni bir hafta muddatda ko'rib chiqadi hamda Ishchi organga yuboradi yoki sifatsiz takliflarni Ishchi guruhlariga qaytaradi.

21. Ishchi organ:

yangi so'z va atamalar bo'yicha takliflarni ikki hafta muddatda ekspertizadan o'tkazadi;

yangi so'z va atamalar bo'yicha takliflar tegishli tushunchani ifodalay olmaydi degan xulosaga kelingan taqdirda, Ishchi organ boshqa ma'qul keladigan muqobil variantni taklif etadi hamda kamida o'n besh kunlik jamoatchilik muhokamasi uchun e'lon qiladi.

Jamoatchilik muhokamasi yakuniga yetganidan so'ng o'n kun muddatda bildirilgan fikrlar, taklif va tavsiyalarni Ilmiy kengashning kengaytirilgan yig'ilishida ko'rib chiqadi va Atamalar komissiyasiga kiritadi.

22. Departament o'n kun muddatda Ishchi organ tomonidan kiritilgan takliflarni Ekspertlar guruhi muhokamasidan o'tkazadi hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining tegishli qo'mitalariga rozilik olish uchun yuboradi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalari tegishli qo'mitalarining roziligi olinganidan keyin yangi so'z va atamalarni ko'rib chiqish uchun Atamalar komissiyasi majlisi kun tartibiga kiritadi.

23. Atamalar komissiyasining majlislari zaruratga qarab, lekin bir yilda kamida bir marta o'tkaziladi. Atamalar komissiyasi majlisi unda komissiya a'zolari umumiy sonining 50 foizidan ortig'i ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi.

24. Atamalar komissiyasi raisining qaroriga muvofiq yig'ilishda atamashunoslik,

* 1-2-ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

filologiya va ko'rib chiqilayotgan muayyan sohadagi malakali mutaxassislar ovoz berish huquqisiz ishtirok etishlari mumkin.

25. Atamalar komissiyasi qarori komissiya a'zolarining ko'pchilik ovozi bilan qabul qilinadi. Ovozlar teng bo'lgan taqdirda, Atamalar komissiyasi raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi. Atamalar komissiyasining qarorlari bayonnoma shaklida rasmiylashtiriladi.

5-bob. Yakunlovchi qoidalar

26. Atamalar komissiyasi qarori bilan rasmiy muomalaga kiritilgan yangi so'z va atamalarning davlat tilida ish yuritishda qabul qilingan ma'nosiga muvofiq yagona shaklda va to'g'ri qo'llanilishi O'zbekiston Respublikasi hududida majburiy hisoblanadi.

27. Atamalar komissiyasi, Ishchi organ va Ekspertlar guruhi a'zolari qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda rag'batlantirilishi mumkin.

28. Atamalar komissiyasining faoliyati Vazirlar Mahkamasining qarori bilan tugatiladi.

Vazirlar Mahkamasining
2024-yil 18-sentabrdagi 589-son qaroriga
3-ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining o‘z kuchini yo‘qotgan
deb hisoblanayotgan ayrim qarorlari
RO‘YXATI**

1. Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atamalar komissiyasining faoliyatini tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020-yil 29-yanvardagi 40-son qarori.

2. Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining ijro etuvchi tuzilmasi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish, shuningdek, ba‘zilarini o‘z kuchini yo‘qotgan deb hisoblash to‘g‘risida” 2021-yil 16-avgustdagi 524-son qaroriga 1-ilovaning 28-bandi.

3. Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” 2022-yil 4-apreldagi 153-son qaroriga ilovaning 771-bandi.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

328 Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июлдаги 453-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғининг 2019 йил 30 августдаги 5-сон буйруғи (рўйхат рақами 3185, 2019 йил 23 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.09.2019 й., 10/19/3185/3786-сон) билан тасдиқланган Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. АБДУРАҲМОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 30 август,
20-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

329 Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам сотиш нархларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3554

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 июндаги ПФ–84-сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам сотиш нархлари қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 20 майдаги 14-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3435, 2023 йил 20 май) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.05.2023 й., 10/23/3435/0300-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 29 август,
169-сон

Солиқ қўмитаси раиси

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 29 август,
2024-15-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил
29 августдаги 169-сон ҳамда Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг
2024 йил 29 августдаги 2024-15-сон қарорига
ИЛОВА

Алкоголь маҳсулотлари* учун энг кам сотиш нархлари

| Сотилаётган товарнинг номи | Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи | Улгуржи савдо корхоналарининг энг кам сотиш нархи | Энг кам сотиш нархи |
|--|---|--|----------------------------|
| Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида | 14 400 | 15 100 | 16400 |
| Ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида | 37 000 | 39 000 | 43000 |
| Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида | 57 400 | 60 500 | 66000 |

* Пиводан ташқари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**330** Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2931-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 февралдаги ПФ–41-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 июлдаги 456-сон «Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2017 йил 21 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2931, 2017 йил 21 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон, 1061-модда) билан тасдиқланган Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган» деган сўзлар «Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан малакалилиги маъқулланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАҲКАМОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 4 сентябрь,
13-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**331** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озод-
ликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муас-
сасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-8*

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 февралдаги ЎРҚ–915-сон «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 ноябрдаги ПФ–188-сон «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 октябрдаги 524-сон «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон «Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 август,
447-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

Келишилди:

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2024 йил 5 август

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХУДАЯРОВ

2024 йил 8 август

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил
20 августдаги 447-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан
маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг
ички тартиб қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 7-банддан «шахси ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 69-банд қуйидаги таҳрирдаги ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун ЖИЭМда сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Агар оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун ЖИЭМда сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ ва суднинг ҳукми асосида маҳрум этилган бўлмаса, улар ушбу сайловларда ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.»

3. 74-банди бешинчи хатбошида «сақлаш» деган сўз «сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ҳамда улардан фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 81-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«81. Маҳкумларнинг фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.»

5. Қуйидаги мазмундаги 266¹-банд билан тўлдирилсин:

«266¹. ЖИЭМларнинг ваколатли мансабдор шахси суднинг ҳукмлари,

ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқишда, шунингдек уларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ иштирок этишини давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган маҳкумнинг илтимосига кўра таъминлаш чораларини кўриши шарт. Бошқа ҳолларда маҳкум давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўрсатилган махсус ваколатли давлат органига мурожаат қилиши мумкин.».

6. 441-банд қўйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган қилмишни содир этиш, йил мобайнида камида икки марта меҳнатдан бўйин товлаш, шунингдек мазкур Қоидаларнинг 4-иловасидаги рўйхатда назарда тутилган озик-овқат маҳсулотлари, нарса ва буюмларни сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ҳамда улардан фойдаланиш жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади.».

7. Қўйидаги мазмундаги 441⁵ — 441¹²-бандлар билан тўлдирилсин:

«441⁵. Манзил-колониёда текширилувчи маҳкумнинг (бундан буён матнда текширилувчи маҳкум деб юритилади) алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолда эканлигини ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлигини аниқлаш манзил-колониё маъмурияти ёки туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасалари томонидан махсус техник восита (алкотестер, наркотестер) ёрдамида амалга оширилади.

441⁶. Қўйидагилар алкотестер (наркотестер) текширувини ўтказиш учун асос бўлади:

текширилувчи маҳкумнинг оғиз бўшлиғидан алкоғоль ҳиди келиши;

текширилувчи маҳкум бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши);

текширилувчи маҳкум нутқининг бузилганлиги;

текширилувчи маҳкум қўл бармоқларининг қалтираши;

текширилувчи маҳкум юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиги.

441⁷. Алкотестер (наркотестер) текшируви камида икки нафар холис иштирокида, зарур ҳолларда эса шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади.

441⁸. Алкотестер (наркотестер) текширувидан олдин манзил-колониё ходими текширилувчи маҳкум ва холисларни махсус техник воситанинг (алкотестер, наркотестер) ишлаш тартиби ва кўрсаткичлари билан таништиради, уларнинг талабига асосан қиёслаш сертификати (нусхаси)ни кўрсатади.

Ушбу бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжат ва бошқа кўрсаткичлар билан таништирилмаганда ёки махсус техник воситанинг (алкотестер, наркотестер) носозлигига шубҳа мавжуд бўлганда ёхуд алкотестер (наркотестер) текширувини ўтказиш жараёнида санитария-гигиена қоидалари бузилганда, текширилувчи маҳкум алкотестер (наркотестер) текширувидан ўтишдан бош тортиши мумкин.

441⁹. Алкотестер (наркотестер) текшируви жараёнида манзил-колониё

ходими томонидан текширилувчи маҳкум билан мулоқотда хушмуомала, унга нисбатан хатти-ҳаракатлари тушунарли ва қонунчилик талаблари асосида бўлиши, шунингдек санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши лозим.

441¹⁰. Текширилувчи маҳкумнинг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолда эканлигини ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлиги бўйича текширувдан ўтказишда текширилувчи маҳкум томонидан чиқарилган ҳаво намунаси (биологик суюқлик (сўлак) алкотестер (наркотестер) мосламасини қўллаш йўриқномасига асосан олинади.

Текширилувчи маҳкумнинг оғиз бўшлиғидан чиқарилган ҳаводаги этанол буғлар концентрацияси кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори бўлган ҳолларда, манзил-колония ходими текширилувчи маҳкумга нисбатан алкоғолли ичимликларни истеъмол қилганлиги ҳолати юзасидан холислар иштирокида (алкотестер мосламасининг қиёслаш сертификати рақами баённомада кўрсатилади) мазкур Қоидаларнинг 39-иловасига мувофиқ шаклдаги баённома расмийлаштиради ҳамда алкотестер текшируви натижаларини ушбу баённомага илова қилади.

441¹¹. Текширилувчи маҳкум махсус мослама (алкотестер, наркотестер) ёрдамида текширувдан ўтишдан бош тортган ёхуд унда текширув натижаларига эътироз мавжуд бўлган ҳолларда, шунингдек маҳкумнинг оғиз бўшлиғидан чиқарилган биологик суюқлик (сўлак) наркотестер ёрдамида текширилганда унинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлиги аниқланган тақдирда, манзил-колония ходими текширилувчи маҳкумни алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар таъсиридан маст ҳолда эканлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасасига олиб боради.

Туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаси томонидан тиббий текширув натижалари бўйича баённома тузилади.

Баённомада текширув санаси ва тартиб рақами алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтган шахслар ҳисобини юритиш дафтарининг тартиб рақамига мувофиқ ҳолда кўрсатилади.

441¹². Текширилувчи маҳкумнинг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолда эканлигини ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлик ҳолатини аниқлашда фойдаланадиган алкотестер (наркотестер) воситаси манзил-колония навбатчилик қисмида сақланади.

Текширилувчи маҳкумнинг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолда эканлигини ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлик ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган текширув мазкур Қоидаларнинг 40-иловасига мувофиқ шаклдаги китобда қайд этиб борилади.»

8. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига* мувофиқ таҳрирдаги 39 ва 40-иловалар билан тўлдирилсин.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

332 Yo‘lovchi bojxona deklaratsiyasini to‘ldirish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2606-7

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 23-iyuldagi PF–104-son “Zargarlik buyumlarini ishlab chiqarish sohasini yanada rivojlantirish va ularning raqobatbardoshligini ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasining 2014-yil 4-iyuldagi 01-02/12-13-son qarori (ro‘yxat raqami 2606, 2014-yil 5-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 32-son, 411-modda) bilan tasdiqlangan Yo‘lovchi bojxona deklaratsiyasini to‘ldirish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma quyidagi mazmundagi 16^l-band bilan to‘ldirilsin:

“16^l. Jismoniy shaxslar tomonidan yo‘lovchi bojxona deklaratsiyasini to‘ldirgan holda O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududidan tashqariga olib chiqiladigan qimmatbaho metallar va qimmatbaho toshlardan yasalgan zargarlik hamda boshqa buyumlar hajmlari O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi tomonidan bojxona organlarining axborot tizimida hisobga olinadi.

Hisobga olingan qimmatbaho buyumlar to‘g‘risidagi ma‘lumot har oyning yettinchi sanasiga qadar Bojxona qo‘mitasi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligiga taqdim etiladi.”.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 26-avgust,
166-son

Kelishildi:

Statistika agentligi direktori

B. BEGALOV

2024-yil 16-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 23-sentabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘II

333 Maishiy xizmat ko‘rsatish xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va yakka tartibda himoyalanişning boshqa vositalarini bepul berishning namunaviy normalariga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
20-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2226-1*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 15-avgustdagi 386-son “Geografik obyektlarga nom berish tartibi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 25-apreldagi 21-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2226, 2011-yil 10-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 19-son, 195-modda) bilan tasdiqlangan Maishiy xizmat ko‘rsatish xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va yakka tartibda himoyalanişning boshqa vositalarini bepul berishning namunaviy normalarining 28-pozitsiyasidagi “ishchi posyolkalarida” degan so‘zlar “shaharchalarda” degan so‘z bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. MUSAYEV

Toshkent sh.,
2024-yil 17-sentabr,
14-2224/B-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 20-sentabrda e‘lon qilingan.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 30 августдаги 20-сон “Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 29 августдаги 169-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 29 августдаги 2024-15-сон “Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам сотиш нархларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги қарори.

2024 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3554.

3. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2024 йил 4 сентябрдаги 13-сон “Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолиқ масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2931-1.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 20 августдаги 447-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2024 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-8.

5. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 26-avgustdagi 166-son “Yo‘lovchi bojxona deklaratsiyasini to‘ldirish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 19-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2606-7.

6. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2024-yil 17-sentabrdagi 14-2224/B-son "Maishiy xizmat ko'rsatish xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va yakka tartibda himoyalashning boshqa vositalarini bepul berishning namunaviy normalariga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2024-yil 20-sentabrdan ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2226-1.

II. Davlat reestridan chiqarildi:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 20 майдаги 14-сон "Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида"ги буйруғи (рўйхат рақами 3435, 2023 йил 20 май).

2024 йил 17 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

